

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 204 (1466)

16 октябрь, жума, 1959 йил.

Баҳоси 20 тийин.

РАЦИОНАЛИЗАТОР

Рационализатор. Бу номни ҳамма ерда — завод ва фабрикаларда, қолхоз ва совхозларда, транспорт ҳамда курилиш ташкилотларида эъз ҳурмат ва ифтихор билан тилга олади. Чунки улар, халқнинг оғири енгил бўлиши, Ватанимизнинг қудрати бундан ҳам ошсин, деган олижаноб мақсад йўлида кунни тунга, тунни эса кунга улаб, ижод этиш, янгилик яратиш йўлида тиниб-тинчимайдилар. Ҳар бир коллектив ўзининг ажойиб неволари билан, талантли раціонализаторлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Ушбу доҳимиз В. И. Ленин номи Ўзбекистон металлургия заводининг коллектив ҳам ўзининг кўп сонли янгилик изловчилари билан фахрлана арайди. Шулардан бири прокат цехининг обер-мастери Ваҳид Шагаповдир. Ваҳид Исламович фақат прокат цехининг эмас, балки бутун корхонанинг энг яхши, энг актив раціонализатори. Завқ ва ҳузури доимо меҳнатдан ахтарилган бу мастернинг амалии оширилган ўнлаб таклифлари давлатнинг неча юз минг сўмлаб маблағини тежаб қолдирди.

Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаш, прогрессив технологияни жорий этиш йўли билан маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш соҳасида металлургиянинг қўлга киритаётган ютуқларида Шагаповнинг ҳиссаси катта. Унинг цехдаги методик пещ ишини механизациялаш ҳақидаги биргина таклифи оғир участкадаги 8 ишчини бошқа участкаларга ўтказиш ва фақат маош фонднинг ўзидангина йилда давлатнинг 150 минг сўмлик маблағини тежаб қолдиш ҳамда иш маданиятини кескин ошириш имконини берди.

Рационализаторнинг юққа тунукалар стани иш унумдорлигини оширишга қаратилган таклифи эса йилга 200 минг сўм фойда келтирилган бўлди. Тиниб-тинчимасган новаторнинг бу каби корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга имкон берган таклифлари жуда кўп.

Экономикамизнинг барча соҳаларида мастер Шагапов каби жонкуяр ва фидокор кишиларимиз оз эмас. «Ташсельмаш» заводининг новатори, автомат станок аратган И. Махров, корпорунд заводининг технологи А. Муҳитдинов, «Чирчиксельмаш» заводининг слесари В. Муровских каби юзлаб янгилик изловчилар шулар жумласидандир.

Областимиз саноат корхоналарида ҳам ленинградлик рационализаторлар чиқаришга жавобан. «Етти йиллик» фондига кўпроқ таклиф киритиш ва шу асосда 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган даражага мувофиқлашган аниқ йилларини, кам меҳнат ва кам маблағ сарф қилган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаб, таннарини камайтириш учун бошланган ҳаракат тобора кенг қулоқ ёймоқда. Жумладан, Тошкент тўқимачилари ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштириш йўли билан етти йиллик мобайнида давлатнинг камиди 30 миллион сўмлик маблағини тежаб қолдиш учун курашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг кўнгил-Пленуми шу нарсани кўрсатиб ўтдики, корхоналардаги ердмчи ишларда механизация даражаси ҳали ҳам паст ҳолда қолмоқда, бинокорликдаги умумий иш ҳажмининг 60 проценти ҳали ҳам қўл кучи билан бажарилаётган, юк ортиш, юк тушириш ишларида барча ишчиларнинг 25 проценти дан кўпроги банд бўлиб қолмоқда. Ана шу ишларни қисқа муддат ичида механизациялаш, биринчи навбатда оғир ва кўп меҳнат талаб этадиган ишларни машиналар зиммасига юклаш усулини ишлаб чиқиш ва жорий этиш — рационализатор ва изтирочиларимизнинг шон-шараф ишидир.

КПСС Марказий Комитетининг Октябрдаги Чақириқларида бундай дейилади:

— Совет Иттифқи меҳнаткашлари! Мусобақа илгорларининг, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаларини кенг ёйингиз ва жорий қилингиз, рационализаторлар ва изтирочилар оммавий ҳаракатини ривонлантирингиз! Ишлаб чиқариш қувватларидан ва халқ ҳўжалигининг резервларидан ахишроқ фойдаланингиз!

Рационализатор ва изтирочиларимиз — социалистик экономиканинг олтин фондидир. Бу фонддан моҳирлик билан фойдаланиш ишлаб чиқаришда янги галабалар учун курашайлик!

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини бажарганликлари учун қуйидагилар област Ҳурмат тахтасига ёзилдилар

Колхозлар, совхозлар ва бригадалар	Қўшмача олган меҳнурлар (тонна ҳисобида)
Пискент районидagi Я. Янов номи колхоз. Раиса А. Дусеков, бошлангич партия ташкилотининг секретари Х. Ражабов ўртоқлар.	400
Пискент районидagi Хрушчев номи колхоз. Раиса Х. Абдуқулов, партия ташкилотининг секретари Н. Қосимов ўртоқлар.	300
Бекороб районидagi «Победа» колхозининг ўртоқ Х. Эгамназаров бошлиқ бригадаси.	70
Гулистон районидagi «Ленинград» колхозининг ўртоқ С. Шодмонова бошлиқ бригадаси.	153

Пахта теришга қўрби етган ҳар бир киши шу кеча-кундузда далада бўлсин!

«Гулистон» совхози машина билан пахта териш планини 150 процент бажарди

Шу кеча-кундузда Сирдарё районидagi «Гулистон» совхози пахта далаларида бўлган кишининг баҳри-дилчи очилди. Катта-катта тараларда универсаллар сузиб юрибди. Деҳқоннинг оғирини енгил қилдирган, хирмонга барака киритаётган бу агрегатларни совхознинг моҳир механизаторлари Виктор Королев, Хван Андрей, Николай Вальшанов, Карим Усмонов ўртоқлар бажармоқдалар. Улар чинловчи Турсунай Охунбаевнинг ташаббусига қўшилган совхознинг 20 механик-ҳайдовчилари орасида олдинда бориб, шу кунгача эл хирмонига 40 — 50 тоннадан «оқ олтин» тўқидилар.

Машина билан пахта териш совхознинг, айниқса, А. Хан, Темур Раҳимов ўртоқлар бошқаратган бўлимларида яхши ташкил этилган. Ҳар иккала бўлимининг азамат механик-ҳайдовчилари совхоз бўйича йиллик планини эрта муддатларда бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Совхоз коллективни шу кунгача йиллик пахта тайёрлаш давлат планини 83 процент бажариб, маррага яқинлашмоқда. Ҳаммадан ҳам қувонарлиғи шундаки, шу кунгача машиналар ёрдами билан 585 тонна пахта териш, бу соҳадagi йиллик топириқ 150 процент бажарилибди.

Механик-ҳайдовчилар Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республикаи Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга қарата ёзган Мурожаатидан илҳомланиб, ўз зиммаларида машина билан пахта теришга қўрби етган ҳар бир киши шу кеча-кундузда далада бўлсин!

Галаба рапортлари

ПИСКЕНТ. (Телефон орқали олинди). Кеча районда яна бир хушхабар тарқалди. Йилги-теримчи яхши ушатириган, ишчи кўчалардан, терим машиналаридан унумли фойдаланган Я. Янов номи, Хрушчев номи колхоз пахтакорлари йиллик планини муддатидан алғари бажарганликларига ҳақида рапорт бердилар.

Я. Янов номи колхоз аъзолари 575 гектар ерининг ҳар гектаридан 18 центнердан ҳосил йилгиди олиб, давлатга 1020 тонна «оқ олтин» топиридилар. Улар ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 400 тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

Айниқса, Хрушчев номи колхоз аъзолари еришган муваффақиятлар мақтовга лойиқ. Бу колхозда 560 гектар ерининг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил йилгиди олинди. 150 тонна ўринга 233 тонна пахта машиналар ёрдами билан териб олиниб, бу соҳадagi топириқ 155 процент бажарилибди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг мурожаатидан илҳомланган колхоз аъзолари давлатга пландан ташқари 300 тонна «оқ олтин» топиришга қарор қилдилар.

М. САМАДОВ.

Биз пахта териш ва тайёрлаш суръатларини ошириш билан бир вақтда ҳозирнинг ўзидаёқ келгуси йил ҳосили ҳақида қайғиришимиз зарур. Пахтаси териб олинган ерларнинг ҳаммасида далалар дарҳол тозалансин ва шудгорлансин. «Ер ҳайдасанг куз ҳайда — куз ҳайдамасанг юз ҳайда», деган халқнинг доно гапини унутмаслик керак!

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).



Кўпмингчилар ҳаракати тобора кучаймоқда

«Ленинизм» колхозининг аъзолари бу йил 1250 гектар ерда мўл ҳосил етиштирилди ва ҳар гектар ердан 27 центнердан «оқ олтин» топиришга сўз бердилар. Ҳозирги кунда колхозчилар, бригада бошлиқларининг фикри-экири пахтани нобуд қилмай териб топириш, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан қутиб олишга қаратилган. Шу кунларда кунига йиллик планини 2,5—3 проценти миқдорда пахта тайёрлашмоқда. Шоферлар ҳам бир-бирлари билан мусобақалашиб ишламоқдалар. Бу мусобақада Аҳмад Сайдуллоев, Ёқуб Тоиров ва Норкул Байзонов ўртоқлар олдинда бормоқдалар. Бунга 3—4 мартадан қатнаб, 10—12 тоннадан пахта ташиб, ҳамманинг ҳўрматига сазовор бўлмоқдалар.

Колхоз бригадалари ўртасида бошланган мусобақада коммунист ўртоқ Пирматов бошлиқ 14-бригада, Жабақов бошлиқ 7-бригада олдинда бормоқдалар. Бу бригадалар кулики графикни олтири билан бажариб, йиллик планини 3—3,5 проценти миқдорда пахта тайёрламоқдалар.

Колхозда кўпмингчилар ҳаракати тобора кучаймоқда. Теримнинг дастлабки кунларида 100—150 килограммдан пахта терган чеварлар 30—35 киши элгидиликда уларнинг сони 300 дан ошиб кетди. Сухур Қўзибоева, Турғун Пўлошова, Буварса Юнусова, Қўпай Аҳмедов, Ойхон Қосимова ўртоқлар ҳар кун 200—250 килограммдан пахта териб топиримоқдалар.

Колхоз бригадаларида ясли ва боғчалар ишлаб турибди. Шу тўғрйли ҳам болали аёллар теримда актив қатнашмоқдалар.

У. МАДРАҲИМОВ,
Э. ТУРКМЕНОВ.
Гулистон району.

Наманган область, Чуст районидаги Навоий номи колхозда пахтани машинада теришни ташкил этишнинг ижобий тажрибаси тўғрисида

ЎЗБЕКИСТОН КП
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

торлар қўшимча равишда пландан ташқари 140 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

Бешта пахта териш машинасининг ҳаммаси бир бригаддаги бирлаштирилган. Бу бригадда колхознинг пахта териш машиналари бўйича механикни ўртоқ Ашуров раҳбарлик қилди. Машиналар айни бир вақтда битта далачилик бригадасининг ерларида ишлайди, сўнгра бошқа бригаданинг ерларига ўтади. Ҳар бир машина учун далачининг алоҳида бўлаги ажратиб берилди, бу тадбир агрегат томонидан бажарилган ишчи ҳисобга олиш ва пахта териш сифати устидан контроль қилиб туриш имконини беради. Дала шариоитида машинага техника хизмати кўрсатиб туриш учун пахта териш машиналари механикни ихтиёрида автомобилга ўрнатилган кўча ишхона бор. Бу ишхона зарур асбоблар, запас қисмлар ва саранга агрегат билан таъминланган. Шпинделларни мунтазам суратда ювиб туриш учун брандспойти бўлган ОУН-46 буркачи фойдаланилмоқда. Машина ишчилиги билан таъминлаш дала бошида махсус агрегат ёрдами билан бажарилади.

Ҳамма пахта терим машинасининг бунеридан ол қўшилган ва махсус суратда усунуланган арапараси тўқилди. Пахтани қопанориз ташини пахтани қоплаш ва уни ортиш ишларида қўл меҳнатидан бутунлай воз кечини имкониятини тўғдирди.

Ҳамма пахта териш машиналари чироқлар билан таъминланган, бу — тунги пайтда ҳам пахта териш имконини беради. Машинанинг ишчи инки сменали қилиб ташкил этилган. Кечқурундан бошлаб машиналарда энг тажрибали ҳайдовчилар ишлайди.

Ҳар бир ҳайдовчининг иш натижалари синчиклаб ҳисобга олиниб ва ҳар кун ҳайдовчининг дафтарчасига ёзиб қўйилади. Колхоз правлениеси ҳайдовчиларга ҳар беш кунда мунтазам суратда иш ҳақи бериб туради.

Навоий номидаги колхоз правлениеси машиналарнинг ишларини учун қулай бўлган ва бошқа бригадаларга қараганда камроқ иш кучи билан таъминланган далачилик бригадаларида асосий майдонини машинада териш учун ажратини масаласини тўғри ҳал қилди. Бу ҳол ҳосилини машинада териб олаётган бригадаларга пахта теришни ва давлатга топиришнинг тезлаштиш имконини берди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси қарор қилди: 1. Пахта териш машиналарининг юксак унум билан ва юқори

дан салкам 1500 гектар ер шудгор қилинди.

Пахтачиликда механизациялан кенг фойдаланиш қишлоқ ҳўжалики ишли давомидидаги ҳар бир ишни қисқа муддатда сифатдан қилиб ўтказини имконини беради. Бунинг сўвхоз пахтакорлари бу йил амалда синаб кўрдилар. Каттагина майдондаги гўза пахтасини машинада теришга мослаб парварши қилинди. Бу ерларда етиштирилган ҳосил терим агрегатлари билан йиғиб олинмоқда. Натижада октябрнинг биринчи ярмидаги ҳосили тўла йиғиб олинган 250 гектар пахта майдини сифатли шудгорланди. Ҳозир совхозда кузги шудгорлаш муваффақиятдан давом эттирмоқда. Мўл ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан бири бўлган бу муҳим тадбирни 1 декабрда тўғалашга қарор қилинди.


15 ОКТЯБРЬДА ҚАНЧА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ

РАЙОНЛАР БЎЙИЧА
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўснм		Масум бошидан бер	
	Ҳаммаси	Машина билан	Ҳаммаси	Машина билан
Қуй Чирчиқ	1,61	3,47	79,08	115,90
Гулистон	1,62	1,27	76,90	59,36
Пискент	1,76	2,38	76,71	73,29
Боевут	1,38	3,48	73,76	54,20
Сирдарё	1,64	3,82	72,86	64,90
Юқори Чирчиқ	1,55	5,56	70,39	90,67
Бўка	1,61	2,41	69,05	64,56
Оқўрғон	1,49	3,54	68,08	65,33
Бекороб	1,54	1,28	66,36	38,36
Чиноз	1,43	2,77	64,81	68,42
Ўрта Чирчиқ	1,23	1,86	64,60	54,05
Оржоникидзе	1,52	2,60	64,24	65,70
Янгийул	1,41	3,41	62,26	62,74
Жами	1,51	2,33	69,62	64,28

СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА

Бўшув номи	2,30	7,00	121,15	142,00
«Бўка»	2,08	3,17	114,36	142,00
4-«Вревский»	0,83	—	113,33	—
«Мирзачўл»	1,70	2,10	90,24	77,00
«Малик»	3,35	2,57	88,52	84,00
«Гулистон»	2,22	8,00	85,52	158,50
«Социализм»	2,18	2,25	79,89	64,69
«Чанок»	1,46	0,14	77,66	12,29
«ЎзССР беш йиллиги»	1,67	3,30	76,29	111,67
«Оқўрғон»	1,67	3,54	74,16	81,44
1-«Боевут»	1,33	1,12	69,77	65,38
3-«Боевут»	1,56	2,53	67,82	63,54
4-«Боевут»	1,42	2,40	66,41	40,46
«Пискент»	1,84	1,79	66,41	59,57
«Дружба»	0,85	—	63,95	74,33
1-«Давларзин»	1,44	1,29	62,96	35,67
Киров номи	1,18	3,77	62,19	96,85
2-«Давларзин»	1,40	1,30	60,27	39,65
«Фарход»	0,98	0,35	55,24	15,10
Жами	1,61	2,56	71,65	72,12



Капрон ва трикотаж буюмлари тайёрлаш ўзлаштирилди

Маълумки, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қоронғисини ихтисослаштириш ҳақидаги қарорига мувофиқ бизнинг зиммасига капрон ва трикотаж буюмлари, шунингдек техника трикотаж ишлаб чиқариш вазибаси топширилган эди. Бу оғир, аммо шарафли вазифадир. Чунки капрон ва техника трикотаж буюмлари тайёрлаш ўрта Осиёда биринчи марта бизнинг фабрикада ўзлаштирилди.

Тўғри, дастлабки пайтларда кўп-ла бракка йўл қўйди. Бу табиий эди. Чунки, ҳар қандай янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, малака ортиргунча тайёрланган маҳсулотнинг кўпроқ қисми брак бўлиши мумкин.

Эндиликда капрон ва трикотаж буюмлари тайёрлаш процесслари тўла ўзлаштирилиб, дастлабки пайтларда йўл қўйилган камчиликлар бартараф қилинди. Ҳозир фабрика-мида Ленинграддаги «Вулкан» заводида тайёрланган кўп системали

бир қанча мураккаб процессларни бошдан кечиради. Биз капрон ишлаб чиқаришнинг ҳақидаги қарорига мувофиқ бизнинг зиммасига капрон ва трикотаж буюмлари, шунингдек техника трикотаж ишлаб чиқариш вазибаси топширилган эди. Бу оғир, аммо шарафли вазифадир. Чунки капрон ва техника трикотаж буюмлари тайёрлаш ўрта Осиёда биринчи марта бизнинг фабрикада ўзлаштирилди.

Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган коллективимиз янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда. Кейинги 2-3 йил мобайнида фабрикада жуда тез суръатлар билан ўсиб, механизациялашган корхоналардан бирига айланди. Биз етти йилликнинг биринчи йилида 30 миллион сўмлик маҳсулот

қўйилди. Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги ўнларча гектар майдонда Тошкент йирик панелли уй қурилиш комбинати қад қўтармоқда. Комбинат республикада уй-қўй қурилишнинг кенгайтиришда салмоқли ўрни тутади. Бу ерда ҳар йили 100 минг квадрат метр қажмадаги турар-қўй бинолари тайёрланади. Ҳозир бу йирик қорхонанинг асосий ва қўшимча корпуслари деярлик қурилиб бўлди. Эндиликда турли хил ускуна ва агрегатлар, жумладан транспортёрлар, транс-

форматорлар, двигателлар, автомат потток линиялари ва бошқа шу каби ўнлаб механизмлар билан монтаж қилинмоқда. Монтажчилар бу ишни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигига тугатиш ва йирик панелли уйларнинг дастлабки намуналарини улуғ байрамга ишлаб чиқариш юзасидан мажбурийат олдилар. Суратда: комбинатнинг умумий қурилиши.

М. Нуритдинов фотоси.

РЕПОРТАЖ

Янги техникада ҳосият кўп экан

Бизга завод директорининг ўринбосари ўртоқ А. Абдуллаев мармари аралаш ҳеҳида эканлигини айтишди. Чиндан ҳам биз уни ўша ҳеҳида учратдик.

— Аралаш фрезерловчи станокни мана бу жойга ўрнатамиз, — деди у аски станокнинг ўрнини кўрсатиб. — Уни бориб кўриб келим. Унча ҳам катта эмас экан. Айтишларича, ўшандай иккита станокни бир кишининг ўзи бемалол бошқариши мумкин. Негатки, станокка механик аппаратлар ўрнатилган экан...

— Иш тагин ҳам юриштиб кетар экан-да, — сўхбатга аралашдик биз.

— Бўмаса-чи, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, — деди у бизга тушунтириб, — ҳозир бу аски станокни икки, ҳатто уч киши эўрга бошқаради. Аралашётган мармар устидан сув қуйиб турини ҳам бир киши банд...

— Мармар тошларин келтириб станокка ўрнатувчилар-чи? — кўшиб қўйди ҳеҳ бўшлиғи И. А. Тарасенко, — бу иш билан кам деганда икки киши банд бўлади.

Биз аски станокнинг иш процессини кўздан кечириб қўйдик. Ҳақиқатдан ҳам станок тўтовис ишлаб турсада, мармар тошлар ҳа деганда аралашавермасди. Фрезерловчи станок атрофида парки-пила. Биринчи станокнинг у томонига ўтиб, қўйиб қўйиб аралаштиришнинг мушаклаб қўйиб, яна бири бу томонда туриб, аралаштириш ҳосияти бўлган аралаштиришнинг оқибатини кузатар эди.

— Бу станокда мармар тошни 6 бўлакдан ортиқ қисим мумкин эмас, — деди сўхбатдошимиз. — Янги станокка эса 8 та арра ўрнатилган. Демак, бириўла тош 9 бўлакка ажратилади.

— Янги станокдан нечта келтирилади?

— Ҳозирча иккита. 1960 йилга бориб, улар 5 тага етади.

— Аслида биз уларни 1963 йилга кўра ўзлаштиришмоқчи эдик, — изох берди И. Тарасенко, — бироқ бу таъбирни муддатидан 3 йил олдин туталашга қарор қилидик.

Биз бунинг сабабини сўраганимизда, ўртоқ Абдуллаев янги станокларнинг ўзлаштирилиши кўп жиҳатдан бошқа ҳеҳларни автоматлаштиришга боғлиқ эканини айтди. Чунки, тайёрланаётган маҳсулот бевосита қўшни ҳеҳларда қайта пардозланади. Завод коллективи бу ҳеҳларни муддатидан анча олдин ана шунга мослаб қайта ускуналади.

— Энди асосий гап аралаш ҳеҳи бивосияни кенгайтириб, янги дастгоҳларни жойлаштиришда қолди, — қўшимча қилди у, — бироқ бу, кўп вақт талаб қилмайди.

... Йигув ҳеҳи. Иш қилини. Қўшн пехида тайёрланган маҳсулотлар кичик вагонеталарда олиб чиқилади. Улар тўппа-тўғри мармарларга пардоз берувчи дастгоҳлар остига келтириб тўқилади. Вагонетка тўхтаб турмай, яна қайта ўша пехида қайта келтирилади.

— Вагонеткани олди-гу, иш бир меҳра бажариладиган бўлиб қолди.

— Нимасини айтасиз, — пардозчи ўртоқ Михайлов Абдуллаевнинг

сўзини маъқулади, — авваллари унча кўпчила ўзимиз қўлда олиб чиқардик. Энди корхонамиз, — деди ҳамроҳимиз бизни гуа солиш ҳеҳига бошлар экан.

— Корхонанинг ишт заводи йўқ, — деди у, — янги қурилди.

— Мармар заводида қурилиш материаллари қорхонасининг қўшнлаштирилган ҳабарини йўқ қилди, — деди у, — янгида улар бириштирилди.

— Энди корхонамиз: Тошкент селикат-қулоқчилик заводи деб юрилади. Завод маркази билан мармар буюмларидан ташқари ишт, черениталар ҳам ишлаб чиқарилади.

... Корхона йириклаштирилган, унинг олдида катта вазиблар қўйилди. Келгусида маҳсулотлар янги янада ортади. Ҳозирнинг ўнла девор плиталари, электросчетчик қисмлари, авторучка сиеҳдонлари тайёрлаш ўзлаштирилди.

Завод коллективи мавжуд имкониятларини ҳисоблаб, — қўйиб, етти йиллик планни муддатидан 2 йил олдин бажаришга қарор қилган. Корхона ҳеҳларида ойлик ва квартал планларининг доим ортиги билан бажарилаётганлиги, янги техника ва автоматизациянинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинаётгани бу шарафли мажбурийатнинг тўла ва ошириб бажарилишидан далолат бериб турибди.

А. АЛИЕВ.

ГАГАНОВА — ГАНИШЕР ИЗИДАН

Илгорлар сафи кенгаймоқда

Смена мастерларининг ишдан кейинги йиллигини аниқлаш қўйилди. Бу гаги йиллиги олддаги мажлис-ларга сира ўхшамас эди. Йиллигида фабрика шўхратига доғ тушириб келётган қолоқ смена ҳақида гап бори. Фабрика тўғрив ҳеҳининг бошлиғи ўртоқ Трунина мастерларга бир-бир қараб сўзларкан, иш шариати ва соатлари бир хил бўлса-да, аммо уч сменада кўрсаткичларнинг турли эканлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

— Ўртоқ Макаров ва Мўминовадан ўрнак олса арийди. Улар ойлик ва квартал планларини мутта-сли равишда ошириб бажариб кел-ётдилар. Бироқ, Рауфов сменаси эса доим орқада қолаётди. Бунинг сабаби нимада? Гап шундаки, ўртоқ Рауфов етарли назарий билимга эга бўлса ҳам, лекин уни тажрибада тўла қўлай қолмаётди. Ишлаб чиқаришда илгор бўлиш учун назарий билимнинг ўзинга қийфа қилмайди, — деди у.

Шундан сўнг смена мастери ўртоқ Макаров сўз олди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентина Гаганова етарли назарий билимга эга бўлса ҳам, лекин уни тажрибада тўла қўлай қолмаётди. Ишлаб чиқаришда илгор бўлиш учун назарий билимнинг ўзинга қийфа қилмайди, — деди у.

Уртоқ Макаровнинг ташаббуси ҳаммага маъқул бўлди.

Шундай қилиб, Макаров Рауфов сменасига ўтиб ишлаш бошлади. Тажрибали мастер ишн тўғри ташкил қилганлиги, ўз қўл остидаги кишиларини уларнинг қобилиятига яраша иш билан таъминлаганлиги ва шу каби қатор тадбирларни амалга оширганлиги натижасида илгари «қолоқ» деб ном чиқарган смена август ойи топиригини 102,5 процент қилиб адо этди. Сентабрда янада юқориқўра кўрсаткичга эришилди. Тошкентдаги қаноп йигирув-тўқув фабрикасида гагановачилар сони кўп сайин ўсмоқда. Корхона коллективи етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун ҳеҳларчи социалистик мусобақани кенг қизитиб юборди.

Я. МИРЗАЕВ.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Районимиз янада обод ва кўркем бўлади

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ фаровонлигини ошириш, маданий турмуш даражасини юксалтириш тўғрисида тинмай қилаётган гамҳўрликларни туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз йилдан-йилга кўркем ва обод бўлмоқда. Мамлакатимиздаги бошқа шаҳарлар билан бир қаторда кейинги йилларда республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг ҳам қиёфаси тубдан ўзгарди.

Улуғ Ленин номи билан аталувчи, тарихий революцион воқеаларга бой бўлган бизнинг районимиз пойтахтнинг катта районларидан биридир. Бу ерда Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводи, «Қизил тоғ» фабрикаси, электромашинлар заводи ва бошқа кўпгина катта корхоналар, мамлакатимизнинг ҳамма томонларига тармоқ отган темир йўл узели бор. Революцион қурашларда чиниққан Тошкент ишчилар синфининг кекса авлоди ҳам шу районга кўпроқ жойлашган.

Кейинги йилларда район территориясини ободонлаштириш ва меҳнатқилларнинг турмуш шaroитини янада яхшилаш мақсадида катта маблаглар сарфланди. 1959 йилнинг ўзига районини ободонлаштириш учун қарийб 3 миллион 640 минг сўм маблаг ажратилди. Шундан ўтган 9 ой мобайнида 2 миллион 200 минг сўмдан кўпроқ маблаг сарфланиб, кўчаларга, йўлларга асфальт етказилди, кўприклар тузатилади.

Илгари ўнқир-чўнқир бўлган кўчаларнинг 27 тасига шу жумладан Памир, Красновосточная, 2- Бекте-ров, Октябрь ўн йиллиги ва бошқа кўчаларга асфальт етказилди, 300 кубометрга яқин трубади кўприк ремонтдан чиқарилди.

Аҳолини оқар сув билан таъминлаш шў қўннинг муҳим масаласидан биридир. Оқар сувни район территориясини кўкalamорлаштириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам район ижроия комитети бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. Районнинг

ирригация ҳолатини яхшилаш мақсадида бу йил 230 минг сўм маблаг ажратилиб, кўчалардаги барча арқалар тозаланди, янги арқалар очилди. Оқиб турган сув бўйларига дарахтар ўтказилди.

Шаҳарни кўкalamорлаштириш тоза сақлашда Ленин район меҳнатқиллари ҳам мўносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу йил районда тез-тез яшанбаликлар ўтказилиб турилди. Ўтказилган яшанбаликларга район меҳнатқилларидан 250 мингга яқин киши қатнашди. Уларнинг ёрдами билан 1 миллион 680 минг квадрат жой тозаланди ва текисланди.

Вокзал ёнидаги Первухини кўприги атрофида қад кўтарган муҳташам бинолар, барпо этилган майдон, Октябрь кўчасидаги сквер, 10- трамвай айланасидаги майдон ва шу каби янгидан обод этилган кўркем жойлар Ленин район меҳнатқилларининг шаҳар ободончилигига қўшган катта ҳиссасидир. Янги обод этилган бу майдон ва скверларга манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди ва улар рангбаранг гуллар билан безатилади.

Кези келганда шунини ҳам айтиш керакки, бу йил ҳар йилдан кўпроқ маблаг ажратилиб, райондаги калсақона ва поликленикалар, болалар боғчаси ва яслилари, мактаб ва бошқа маданий-маиший бинолар ремонт қилинди.

Меҳнатқиллар депутатлари Ленин район Совети ижроия комитети ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шаҳар ҳамда посёлкаларни обод ва кўкalamорлаштириш тўғрисидаги қўрсатмасига амал қилиб, районимизнинг янада обод ва кўркем бўлиши учун кенг меҳнатқиллар оmmasининг ёрдамига суяниб, барча тадбирларни амалга оширади. Районини ободонлаштириш юзасидан 1958 йил учун белгиланган план ортиги билан бажарилади.

О. ЮСУПОВА,
Меҳнатқиллар депутатлари
Ленин район Совети ижроия
комитетининг раиси.

Қоғозда бор, қозонда йўқ

Пештоқида «Чиноз район 3-чайная» деб ёзиб қўйилган бинонинг диктарисига кирдик. Бинонинг ёғи эади хўрайдилар билан гажум. Кайфи ошиб қолган кишиларнинг хиргойиски, айрим столларда мўк туриб ухлайётган ўта мастларнинг тур-раги «Чайная»нинг «обод»лигидан дарах беради.

Биз ҳам бир чеккадаги стулга ўтирдик. Официантка Амина Муртова ёнимизда лойдо бўлди. — Нима истайсизлар, — сўради у. — Аввал, мана бу чанг босиб ётган стол устини артасан. Сўнгра гўшти бориш, чучвара ва бир чойнак чой келтирсангиз, — дедик мен-идаги оқатлардан таллаб.

— Кечирасиз, бу 21 сентабрдаги меню. Ҳозир эса сизни фақат шўрва билан сийлай оламан. Чой эса бизда умуман бўлмайди, — деди у, столни идаги оқатлардан таллаб.

— Бутунги меню қани, мумкин бўлса кўрсатсангиз. Официантка ошхонага кириб кетди. У кўп ўтмай меню ва икки тарелка шўрвани стол устига келтириб қўйди. Аввал менюни кўздан кечирдик. Унга шўрва, чучвара, гуляш ва бошқа таомларнинг номаари ёзиб қўйилган. Ҳолбуки бутун шўрва пиширилган ҳолос. Келтирилган ёвгон шўрва ҳам совуб қолган. Хўрадалардан бири Амина Муртовани қаҳириб, бошқаларнинг дилидаги гапни айтди:

Р. ТУРСУНОВ,
Ҳ. САЙДАЛИЕВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Дам олувчилар учун қўлай шароит яратилади

Редакцияга келган хатларнинг бирида «Ўзбекистон ССР 10 йиллиги» дам олиш уйда меҳнатқилларнинг яхши дам олишларига қўлай шароит яратиб берилмаганини тўғрисида ёзилган эди.

Курорт, санаторий ва дам олиш уйлари бошқармаси бошлигининг ўринбосари ўртоқ Бурхоннинг редакцияга маълум қилишча, хабарда келтирилган фантлар асосан тасдиқланган.

Дам олиш уйига телевизор сотиб олиш, газета ва журналларни ўз вақтида тарқатиш, тайёрланган оқатлар, айниқса миллий таомларнинг сифатини яхшилаш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланган.

Дам олиш уйи территориясини фант дам олувчилар ихтиёрига бериб қўйиш мақсадида пропуски системаси жорий қилинган.



Суратда: илгор ишчилардан (чапдан) Е. Кеврикс ва В. Семипоженко ўртоқлар янги дастгоҳларда капрон тўқимолар.

«МС-4» машина тўла қувват билан ишлаб турибди. Ана шу янги машина ёрдамида тайёрланаётган техника трикотаж поймафал фабрикаларида ишлатилмоқда.

Шуниси қўвончлики, капрон ва трикотаж буюмлари тайёрлашдаги барча иш жараёнларини ўзимиз бажармоқдамиз. Капрон ва трикотаждан кийим-кечак тикиш иш ва шойи газламадан кийим тикишга қараганда анча мураккабдир. Иш-газлама тўқилиб бўлгандан сўнг, ундан тўғридан-тўғри кийим тикавериш мумкин. Капрон ва трикотажда келганда, бу газлама тўқилгандан сўнг тайёр кийим ҳолига келгунча

ишлаб чиқаришни планлаштирган эдик. КПСС Марказий Комитетининг октябрдаги Чақириқларидан руҳланган ишчиларимиз ва инженер-техник ходимларимиз ўз ички имконият ва резервларини синчиклаб текшириб чиқиб, йил охиригага пландагидан ташқари қўшимча равишда 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг сифатини тагин ҳам яхшилаш мажбурийатини олди. Ҳозирги кунда биз ана шу вазданнинг устидан қақшн учун енг шимариб ишлатилмоқдамиз.

М. ГОРОШИН,

Тошкент ўқимачилик трикотаж фабрикасининг бош инженери.

6 миллион сўм тежаллади

Чирчиқ шаҳридаги саноат қорхоналари, транспорт ва қурилишларда ишлаётган ижодий меҳнат кишилари ленинградлик новаторларнинг «Етти йиллик фонд»ни ташкил этин ҳақидаги ватанпарварлик ҳарақатида қўшилди. Катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Айниқса, КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларидан сўнг шаҳарда рационализаторлик ва изтироқчилик ҳаракати кенг авж олди.

«Шаҳарнинг электромеханика комбинати, «Чирчиқсельмаш», «Ўзбекхиммаш», «Электромаш» заводлари ва бошқа саноат қорхоналари, қурилиш ташкилотларида шу йилнинг ўтган ойлари ичида бир неча минг рационализаторлик ва изтироқчилик тақлифи тушди. Шундан бир ярим мингдан ошдиқроғи ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Иш жараёнини механизациялаш, кўп меҳнат талаб қиладиган оғир процессларни енгиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот тапнаҳрини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, аски асбоб-ускуналарни модернизациялашга қаратилган бу-

дай тақлифлар ҳар йили давлатнинг 6 миллион сўмдан кўпроқ маблағини тежаб қолтиш имконини беради. Новаторлар бу маблағни «Етти йиллик фондга» беришга қарор қилдилар.

О. ЛЕВАН.



Тошкент ремонт-механика заводи металл конструкциялар ҳеҳининг ўртоқ А. П. Карпов бошчилиги қилаётган йигувчи слесарлар бригадаси меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Суратда: бригада бошлиғи ўртоқ А. П. Карпов. У, темир конструкцияларни лангадан қилиш тешпиринини 1,5 баравардан ошириб адо этаётди.

М. Комлев фотоси.

